

ГЕНДЕР СИЁСАТИДА ННТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Жиенбаева Багдагуль ¹

¹ Ажиниёз номидаги НДПИ

“Миллий гоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” таълим
йўналиши 1-курс талабаси

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 28.04.2025

Revised: 29.04.2025

Accepted: 30.04.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

фуқаролик жамияти,
институтлари, ННТлар,
гендер ташкилотлар,
ёшлар, хотин-қизлар,
гендерга тегишли
мафкура, оила ва гендер
тарғиботи, гендер
сиёсати, гендер омиллари,
гендер тенгсизли
камайтириши, ижтимоий
гендер, ҳуқуқ, асос,
ижтимоий омиллар.

Ушбу фуқаролик жамияти барпо этиш
борасида ННТларнинг роли, айниқса,
жамиятда гендер тенгликни
шакллантиришида уларнинг аҳамияти,
давлат сиёсатининг муҳим ва асосий
йўналиши бўлиши керак эканлиги илмий
нуқтаи назардан таҳлил этилган.

КИРИШ. Янги Ўзбекистонда гендер сиёсати давлат бошқарувини ташкил
этишнинг муҳим ва асосий вектори сифатида майдонга чиқмоқда. Хусусан, Хотин-
қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги
давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат деб белгиланди:

а) мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

б) мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

в) хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

г) жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;

д) меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

з) оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;

ж) жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш; и) мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш^(1-https://lex.uz/acts/4494849)⁵³. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги етти йил ичида жамият ва давлат тараққиёти қонуниятлари, илғор хориж ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш нуқтаи назаридан қўлга киритилган муайян амалий ва аниқ натижаларга эришилди. Биринчидан, қарийб 350 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 4 минг 400 тадан ортиқ фармон ва қарорлари, бир қанча миллий стратегия, концепция ва давлат дастурлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда («Ўзбекистон — 2030» стратегияси; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси; Барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар; Гендер тенгликка эришиш стратегияси; Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси; Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси; БМТнинг «Ёшлар-2030» стратегиясига асосланган Давлатнинг ёшлар сиёсатини ривожлантириш концепциялари). Шу билан бирга, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклик институтлари изчил ривожланмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари парламент ва парламент комиссиялари, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариш учун масъул давлат органлари фаолиятига кенг жалб этилмоқда.

⁵³ <https://lex.uz/acts/4494849>

Бундай кенг кўламдаги ислохотлар Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасидаги ташаббусларнинг натижаси ҳисобланади. Буларнинг натижасида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти тубдан кучайди, бу соҳада мамлакат Президенти ва Ҳукуматининг 200 дан зиёд ҳужжати, бир қанча миллий стратегия, концепция ва дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Хусусан, касаба уюшмалар, волонтерлик фаолияти, аёлларни таъкиб ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, аёллар ва эркекларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини кафолатлаш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги ниҳоятда муҳим қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, мамлакат Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати, экологик назорат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари сони салкам 16 фоиз кўпайиб, 9 минг 800 тадан ошган бўлса, уларнинг сони қарийб 10 мингга етди. Бу эса, 2016 йилги ҳолат билан солиштирганда, деярли 30 фоиз ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенглиги “тақиқланган мавзулар” рўйхатидан чиқарилди. Таркибий ва институционал ўзгаришлар давом этмоқда, қонунчилик такомиллаштирилмоқда. 2019 йилда ушбу йўналишда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Гендер тенглигини таъминлаш комиссияси тузилди, иккита асосий ҳужжат – Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги ҳамда Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунлар кучга кирди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг 32 фоизини хотин-қизлар банд этгани ҳам уларнинг жамият-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Парламентлараро Иттифоқнинг “Сиёсатдаги аёллар” жаҳон рейтингда Ўзбекистон 45-ўринни эгаллади. Бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз нафақат Марказий Осиёдаги қўшнилари, балки Германия, АҚШ, Канада, Австралия каби давлатлардан ҳам олдинги ўринларни эгалламоқда(2.- O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni)⁵⁴.

⁵⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.

Аммо бу борадаги тадбирларнинг амалга ошириш механизмларини янада кучайтириш талаб этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг 2030 йилгача гендер тенглигига эришиш стратегияси доирасида ҳаётнинг барча жабҳаларида, жумладан, иқтисодиёт, сиёсат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилаш вазифа бўлиб турибди. Бунда оила ва хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни катта. Айниқса, охириги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилди, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилмоқда, хусусан 20 га яқин қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ҳамда Ҳукуматнинг тегишли қарорлари қабул қилинган(3.-<https://president.uz/uz/lists/view/4057>)⁵⁵.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари манфаатларини ифода этиш, давлат билан улар ўртасидаги кўприк вазифасини бажаришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ташкил қилинди, шунингдек, аҳоли билан очиқ мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилиб фаол иш олиб борилмоқда. Қўрилаётган чоралар натижасида сўнгги тўрт йилда фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 20,7 фоизга ошди, шу жумладан, 187 та йирик республика нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади(4.- Boboyev H., Hasanov S.)⁵⁶.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул

⁵⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 29 dekabr 2020 yil <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

⁵⁶ Boboyev H., Hasanov S. O‘zbekiston demokratik jamiyat qurish sari. – Toshkent: Adolat, 2001. B.34.

қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш”га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди. Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур. Бундан ташқари, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади. Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини оширишда ННТларнинг фаолияти бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда: аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш; аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш; аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш; ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш юқоридагиларга мисол бўла олади.

Гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ислохотларда ННТлар 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш кун тартибидаги тамойилларни, айниқса, “ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” тамойилини ҳисобга олган ҳолда, ҳар хил камситиш шаклларига мойил бўлган хотин-қизларнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш долзарб масаладир. Бу ерда мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқлардаги хотин-қизларга, этник озчилик гуруҳлари, ногиронлар, ОИВ/ОИТСга чалинган аёллар, озодликдан маҳрум қилиш ва чеклаш жойларидаги хотин-қизларга (*шу жумладан қамоқхоналар, пансионатлар, қариялар уйлари ва руҳий касалликлар шифохоналари*), инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қочқинларга асосий эътибор қаратилишида давлатнинг асосий ва етакчига кучига айланиши ҳам назарда тутилмоқда.

Жамият давлат ҳаётида ННТларнинг ролини оширишда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси алоҳида аҳамият касб этади(5.- <https://president.uz/uz/lists/view/4229>)⁵⁷. Унга кўра, қуйидагилар Концепциянинг

⁵⁷ <https://president.uz/uz/lists/view/4229>

устувор йўналишлари этиб белгиланди: фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш; фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш; давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш; фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва ҳок. Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари гендер масалаларини ҳал этиш ва тенг ҳуқуқлилиқни тарғиб қилишга қаратилган салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Бироқ, ўзгарувчан ахборот ландшафти шароитида нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз дастурлари, лойиҳаларини кенг аудиторияга етказишда жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Аммо ННТ вакиллари ахборот воситаларида фаол қўлланиладиган замонавий восита ва услубларни тақдим этиш, билим ва кўникмалар туфайли ташкилотлар медиа маконинг янги воқелигига яхшироқ мослашиши ва жамоатчиликнинг гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқлари ҳақида хабардорлигини ошириш бўйича фаоллигини ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://lex.uz/acts/4494849>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тугрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабр 2020 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
4. Бобойев Ҳ., Ҳасанов С. Ўзбекистон демократик жамият куриш сари. – Тошкент: Адолат, 2001. Б.34. <https://president.uz/uz/lists/view/4229>